

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 11 декабрь • № 48-49 (1329-1330)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида юқори малакага эга олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, ходимларни касбий ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг:

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали негизда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасини Институтнинг клиник базаси этиб белгилаш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Институт

фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги муассасалари учун тор соҳадаги мутахассисликлар бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш;

етақчи хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда малакали мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар учун қўшма таълим ва академик мобиллик дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш;

замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш жараёнига илғор ва масофавий таълим технологияларини кенг жорий этиш, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

илмий-педагогик салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини фаол такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигини, касаллик-

лар профилактикаси, паразитология, микробиология, вирусология, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш масалалари бўйича истиқболли инновацион, амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг натижаларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратиш;

бириктирилган Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, улар фаолиятини самарали ташкил қилиш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиб бориш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

3. Белгилансинки: Институт давлат олий таълим

муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий газна ҳисобварағига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади;

Институт Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул ҳар йили белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

Институт Фарғона вилоятидаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида аниқ фанлар бўйича дарс машғулотларини олиб боровчи ўқитувчиларга доимий равишда илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради.

4. Соғлиқни сақлаш вазирли-

ги (А. Ш. Иноятов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У. Ш. Бегимқулов) уч ой муддатда Институтга юқори салоҳиятга, жумладан фан номзоди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб қилсин.

5. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Ш. Иноятов) икки ой муддатда:

Институтда ўқув-методик жараённи ташкил этиш, белгиланган тартибда штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Институт ахборот-ресурс (Давоми 2-бетда).

### Муносабат

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – ФУҚАРОЛАРНИНГ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ТЕНГ ФЙДАЛАНИШИ КАФОЛАТИДИР!



Миллий истиқлолимиз тамали бўлган Бош қомусимизда барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасига оид асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаб қўйилган.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш тизимига беvosита ва билvosита дахлдор бўлган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида бугун миллий тиббиётимиз тамоман янги ўзгариш нуктасида турибди. Биз қайси қонун ёки қарор билан иш кўрмайлик,

унинг асосида мамлакатимиз паспорти – Конституция туради.

Шундай экан, бизнинг бутун фаолиятимиз конституцион нормаларга мувофиқ бўлиши, амалга оширилаётган ҳар бир ислохотдан мақсад Бош қомусда белгиланган кафолатланган тиббиёт хизмат сифатини ошириш соҳа раҳбарларининг ўз фаолиятига ҳалоллик принциплари асосида ёндашувига боғлиқ эканини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак.

Ҳозирда асосий Қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ғимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Соғлиқни сақлаш тизимида ўз

вақтида кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, юртимизда коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи 97 фоизга етгани барчамизни қувонтиради.

Конституцияимизда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи барча фуқаролар тенг ҳуқуқли экани қатъий белгилаб қўйилган. Биз бошлаётган ислохотларнинг ҳам пировард мақсади мамлакатнинг энг чекка ҳудудларида ҳам марказ талабларига жавоб боровчи замонавий ва сифатли тиббий хизматни йўлга қўйишдир. Шу кунларда Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари мисолида тажриба қилинаётган аҳолини тиббий хатлов ва антопометриядан ўтказиш тадбирларидан кўзланган мақсад ҳам юртимизнинг ҳар бир фуқаросига бирдай сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ишларини тизимли йўлга қўйишдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, Ўзбекистон фуқаролари ҳаммиси ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга ошираемиз.

Соғлиқни сақлаш ривожини йўлидаги улкан мақсадларни ўз вақтида рўйбга чиқариш тиббиёт соҳасида меҳнат қи-

лаётган 70 минг нафардан зиёд шифокорлар ва барча ўрта тиббиёт ходимларининг шарафли бурчидир.

Пандемия шароитида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ўтказилаётган ислохотлар барча тиббиёт ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, улар учун жаҳон андозаларига мос меҳнат шароитларини яратишга қаратилган. Барчамиз бу йўлда камарбаста бўлиб, халқимиз саломатлигини таъминлаш йўлида янги марраларни биргаликда забт этишимизга ишонаман.

Азиз ҳамкасблар, оғир дамларда халқимиз ва давлатимиз олдидаги шарафли вазифасини виждонан бажариб келаётган, қасамёдига содиқ сиз каби фидойи инсонлар билан бир соҳада фаолият олиб боришдан фахрланаман. Шунингдек, меҳнатларимиз тез фурсатларда ўз натижасини беришига ишончим комил. Фаолиятимиз самараси эса, шубҳасиз, халқимиз баҳосида намоён бўлади.

Абдуҳаким ХАДЖИБАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ҚАРОРИ

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

марказини қўшимча ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан бойитиш;

Институт кафедраларини йўналишига мос ҳамда имконияти кенг бўлган Фарғона вилоятида жойлашган давлат тиббиёт ташкилотларида жойлаштириш;

республикадаги тиббиёт олий таълим муассасалари ва бошқа хорижий тиббиёт олий таълим ташкилотларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Институтда онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси:

(Давоми. Боши  
1-бетда).

Институтни салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида етакчи олий таълим муассасаларида тегишли соҳалар бўйича 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият таълим йўналишлари, клиник ординатура, магистратура мутахассисликлари ва 2021 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фан дастурларини такомиллаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

бошқариш тизими самарадорлиги ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

истикболли қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, хорижий профессор-ўқитувчилар ва ватандошларни

жалб этиш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А. М. Бобоев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институтнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О. А. Пекось) Институт мурожаатига мувофиқ уни белгиланган тартибда юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш чораларини кўрсин.

10. Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х. Х. Бозаров) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Ш. Иноятов) билан биргаликда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида жалб этиладиган малакали профессор-ўқитувчиларни хизмат уйлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сон қарорига 5-илованинг “Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари ва клиникалари” блоки 9 — 11-бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“9. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

10. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали

11. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали”.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижро-

сини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А. М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Ш. Иноятов, Фарғона вилояти ҳокими вазифининг бажарувчи Х. Х. Бозаров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л. Н. Туйчиев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. А. Мусаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2020 йил 3 декабрь, ПҚ-4911-сон

**Ҳамкорлик ришталари****СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ҲИНДИСТОННИНГ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ**

Бугун Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Маниш Прабхат билан учрашди. Эслатиб ўтамиз, М. Прабхат мамлакатимиздаги элчи сифатидаги фаолиятини шу йилнинг сентябрь ойида бошлаган эди.



Мулоқот давомида сўнгги йилларда икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. 2018-2019 йилларда мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга ташрифлари кенг кўламли ҳамкорлик учун мустақам замин яратди. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2019 йил январь ойида IX Халқаро инвестиция саммитида иштирок этиш учун Ҳиндистонга ташриф буюрди ва у ерда мамлакат Бош вазири Нарендра Моди билан Ўзбеки-

стон-Ҳиндистон ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди. 2019 йилнинг октябр ойида эса Шавкат Мирзиёев Ҳиндистоннинг Гужарат штати делегациясини қабул қилди, унда биотехнология ва қишлоқ хўжалиги кластерлари, тўқимачилик ва фармацевтика саноати каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, элчи Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши кура-

шиш бўйича кўриладиган чора-тадбирларни юқори баҳолади, шу сабабли касаллик тарқалиши ҳозирги вақтда сезиларли даражада камайганини эътироф этди. Ўз вақтида кўрилган чоралар COVID-19 оқибатларини минималлаштиришга сабаб бўлаётгани қайд этилди. М. Прабхат пандемия даврида Ўзбекистон аҳолиси юқори интизом ва масъулият кўрсатганини, бу яхши натижаларга эришишга ҳисса қўшганини ва ҳукуматга вазиятни шу кунга қадар назорат остида ушлаб туришига имкон бераётганлигини таъкидлади. Ўз навбатида, вазир ҳозирда вазиятнинг барқарорлиги хотиржамликка берилиш учун асос бўла олмаслигини айтди. Кўпгина бошқа мамлакатлар тажрибасига кўра, COVID-19нинг иккинчи тўлқинидан қочиб бўлмайдиган тушунча мавжуд. Бунинг учун мамлакатда унга тайёргарлик кўриш бўйича ишлар олиб борилаётганда. Мамлакатимизда коронавирус инфекциясини даволашга ихтисослашган 150 дан ортиқ шифохонадан айни пайтда 40 га яқини фаолияти кўрсатаётгани, қолганлари зарурат туғилганда яна коронавирус билан касалланган беморларни қабул қилишлари учун сақлаб қолингани айтиб ўтилди.

Шунингдек, томонлар келгу-



сидаги ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилиб олдилар. Жумладан, мавжуд инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш ва Ўзбекистонга янги инвесторларни жалб қилиш, қўшма фармацевтика ишлаб чиқариш объекларини ташкил этиш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Маниш Прабхатнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда Ҳиндистон коронавирусга қарши 3 та вакцина яратиш устида иш олиб бормоқда, улардан 2 таси иккинчи, биттаси эса учинчи босқич синов жараёнида. Элчи келажакда Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам ушбу ҳинд вакциналари фойдали бўлишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, элчи талабалар алмашинуви дастури бўйича яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан таклифларини билдирди. Унинг таъкидлашича, Ҳиндистон ёшларининг Ўзбекистондаги тиббиёт олий ўқув юрталарида ўқишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари, мамлакатларнинг халқ таъбиотини ривожлантиришга бўлган давлат даражасидаги эътиборда ўхшашлик мавжудлиги айтилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Жамоатчилик билан  
алоқалар бўлими.

**Обуна – 2021****Ҳурматли муштарийлар!**

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2021 йил обуна мавсуми давом этмоқда. Республикаимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Тиббий хатлов

Қашқадарё вилояти

# ТОПШИРИҚ ИЖРОСИ АДОЛАТЛИ, ХОЛИС ВА ҲАҚҚОНИЙ БЎЛИШИ КЕРАК!

Хабарингиз борки, газетамизнинг ўтган сониди жорий йилнинг 12 ноябрида Президентимизнинг "Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган, ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти тажриба сифатида олинган бўлиб, унинг ҳудудларида аҳолини тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказиш тадбирлари бошлаб юборилганли-

ги тўғрисида мақолалар берган эдик. Эндиликда эса айни пайтда мазкур жараёнлар вилоятда мавжуд 13 та туман ва 2 та шаҳар микёсида кенг тарзда олиб борилмоқда. Ушбу фаолиятларга янада ойдинлик киритиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказий штаби аъзоси, шунингдек, Қашқадарё вилоятига бириктирилган вазирлиқнинг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси бош мутахассиси Умида Газиёва билан боғланиб, олиб борилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашдик.

– Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан жорий йилда қабул қилинган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан 29-30 ноябрь кунлари барча поғонадаги раҳбар ходимлар (вилоят ҳокимидан бошлаб, оилавий поликлиника мудиригача) ҳамда шифокор ва ҳамшираларнинг вазифалари белгилаб берилди.



Фармон ва қарорларда кўйилган вазифалар ижросини тўлиқ, ўз вақтида таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг "Йўл хариталари" ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди.

Даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаолигини ошириш мақсадида туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан 15 нафар раҳбар ходимлар бириктирилди. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматини тубдан яхшилаш мақсадида Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш" ҳудудий Штаби, туман/шаҳарларда туман/шаҳар штаблари ташкил этилди ҳамда вилоят, туман/шаҳар штаблари 500 дан ортиқ компьютерлар билан таъ-

минланди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Йўл хариталари"га мувофиқ:**

жорий йилнинг якунига қадар Қашқадарё вилоятининг 3,2 млн. нафардан зиёд аҳолисини ёппасига хатловдан ўтказиш ва антропометрик ўлчовларни амалга ошириш орқали аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини белгилаш ва тегишли хавф гуруҳларига тақсимлаш режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадида:

жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази томонидан тиббиёт олийгоҳларида таълим олаётган 600 нафардан ортиқ талаба, ординатор ва магистрларнинг амалиётини Қашқадарё вилоятида ўтказиш режалаштирилиб, талабалар амбулатор-поликлиника муассасаларига тақсимланди ва бевосита мазкур жараёнда иштирок этиши таъминланди;

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 15 та клиник кафедралари Қашқадарё вилояти туманларига масъул этиб бириктирилди;

туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан талабалар учун турар жойлар ташкил этилди;

ҳозирги кунда вилоятда 1535 та "тиббий бригадалар" ташкил қилиниб, уларга тиббий ходимлар ва талабалар бириктирилди ва хонадонлар тақсимлаб берилди; вилоят даволаш-профилактика муассасаларидан қўшимча 42 та бригада ташкил этилиб, антропометрик ўлчовларни ўтказиш учун мавжуд мобил ўлчов воситалари – тарози, сантиметр лентаси, тонометр, пульс оксиметрлар билан таъминланди.

1-7 декабрь кунлари вилоятда 168137 та хонадон (жами хонадонларнинг 26,9 фоизи) да тиббий хатлов ўтказилиб, 847 256 нафар аҳоли (жами аҳолининг 25,6 фоизи) да антропометрик ўлчовлар амалга оширилди.

Хатлов ва антропометрик ўлчовларни тўғри ва сифатли



амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан Чироқчи, Қамаш, Ғузор, Нишон, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб туманлари ва Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаларига тиббиёт ходимларини антропометрик ўлчовларни амалга ошириш юзасидан ўқув семинарлари ташкил этилиб, ташкил этилган "тиббиёт бригадалари" ни зарур тиббий

**антропометрик ўлчовларни амалга ошириш жараёнида "Тиббий бригадалар" фаолиятида қуйидаги камчиликлар аниқланди:**

– Қамаш, Чироқчи, Муборак туманларида фаолият юритаётган "тиббий бригадалар" томонидан антропометрик ўлчовлар нотўғри амалга оширилмоқда, бу эса тиббий хатлов сифатига салбий таъсир этмоқда;

– Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларида хатлов ва антропометрик ўлчовларни электрон базасини шакллантиришда оқсоқликлар мавжуд.

**Ўқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида мониторинг гуруҳи ташкил этилиб, шаҳар ва туманларга чиқиш режаси тасдиқлаб берилди ва 4 декабрь кундан туман, шаҳарларда амалга оширилаётган ишлар мониторинги йўлга қўйилди.**

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида амалга оширилаётган ишлар "тиббий бригадалар" кесимида муҳокама қилиниши йўлга қўйилди.

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 6-оилавий поликлиникада тиббий хатлов ва антропометрик ўлчовлар ўтказиш бўйича "маҳорат дарслари" ни намуна сифатида барча ҳудудларга татбиқ этилиши режалаштирилди.



асбоб-ускуналар билан таъминлаш (тарози, пульсоксиметр) бўйича амалий ва ташкилий ёрдам кўрсатилди. **Вилоятнинг шаҳар, туманларида ўтказилаётган хатлов ва**

## Шаҳрисабз тумани

**Шаҳрисабз шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника раҳбари Лола ИРГАШЕВА айни пайтдаги жараёнлар тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:**

Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг мутлақо янги тизимини жорий қилишда бир қанча комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, жумладан: шаҳардаги мавжуд 40 та маҳаллардаги хонадонларни хатловдан ўтказиш мақсадида 3 та оилавий ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникада 66 та бригада ташкил этилди. Ҳар бир бригадига оилавий шифо-

кор ва 5 нафардан ҳамширалар бириктирилди. Жами 224 нафар патронаж ва 113 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ажратилди ва хатлов бўйича поликлиникалар кесимида ўқув машғулотлари ўтказилди. Шаҳрисабз шаҳрида **139308 нафар аҳоли** истиқомат қилиб, **хонадонлар 29003 тани** ташкил этади. Бир кунда 1638 нафар хонадон хатловдан ўтказилганда 20 кунда хатлов якунланиши учун **тармоқ режа** қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари ижроси бўйича жамоатчилик ишини ташкил этиш мақсадида шаҳар ҳокимига Халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясини чақириб мақсадида ШТБ Штаби томонидан хат чиқарилди ва сессия қарори билан Шаҳар ҳокимлигининг йўл харитаси тасдиқланди ва барча жамоатчилик аъзоларига вазифалар тақсимланди.

Соғлиқни сақлаш, Оила ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш, Ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда семинар йиғилиши ўтказилди.

(Давоми 4-бетда).



Тиббий хатлов

Қашқадарё вилояти

# ТОПШИРИҚ ИЖРОСИ АДОЛАТЛИ, ХОЛИС ВА ҲАҚҚОНИЙ БЎЛИШИ КЕРАК!

Тошкент тиббиёт академия-сидан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институтидан ажратилган 5-6 босқич талабалари, магистр ва клиник ординаторлардан 34 нафари, олий ўқув юрти ўқитувчиларидан 4 нафари етиб келди ва талабалар бригадаларга тақсимланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги "Бирламчи тиббий санитария муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматини тубдан яхшилаш тўғрисида"ги буйруғига асосан Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 86-Т\1-сонли буйруғи чиқарилди. Буйруққа асосан ШТБ штаби ташкил этилди. 1 декабрь кундан бошлаб мавжуд 66 та бригадани тубдан аҳолини тиббий

хатлови ва антропометрик текширувлардан ўтказиш бошланди. 8 декабрь ҳолати бўйича 139308 нафар аҳолидан 55764 нафар аҳоли, 29003 та хонадондан 13460 та хонадон хатловдан ўтказилди.

Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Республика-миздаги нуфузли тиббиёт олийгоҳлари кафедралари мутахассислари СамДТИ профессори С. Пардаев, ТошПТИ ассистентлари М. Рўзиқуллов, Т. Алиев, Ф. Қодировалар билан биргаликда мастер класс ўтказилмоқда.

Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмасига ТошПТИ ассистенти Маҳмуд Рўзиқуллов ШТБга раҳбар қилиб жўнатилганлиги муаммоларни жойида ҳал қилинишида, беморларга керакли маслаҳат ва республика даражасидаги операцияларни шаҳар-

ни ўзида бажарилишида жуда катта ёрдам бўлмоқда. Олий ўқув юрт талабаларининг хатлов ва антропометрия жараёнига жалб этилиши, улар томонидан аҳолига соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик бўйича бериб борилаётган маслаҳатлар айтилиши биз тиббиёт ходимларига қўшимча ва вақтида берилган жуда самарали ёрдам бўлди. Бундай фаол талабалардан Феруза Махмадёрова, Жаҳонгир Эшбобоев, Мираббос Нормуродовлар аъло даражада иштирок этмоқдалар.


"Хабарлик" маҳалласи патронаж ҳамшираси Шаҳноза Низомованинг сўзига кўра, аҳолини хатлов ва антропометриядан сифатли ўтказиб аниқ маълумотларни жамлаш кейинги ишлаш жараёнига жуда кераклиги, ол-

динлари барча аҳолини тўлиқ тиббий кўриклардан ўтказиш жуда кўп қийинчиликлар туғдирганлиги, эндиликда эса тадбир якунида аҳолини гуруҳларга ажратиш, хавфли гуруҳлар билан ишлаш барча патронажлар фаолиятига анча энгилликларни олиб келиши ва беморларга ҳам мақсадли ёндашишга ва ишни самарали амалга оширишда ёрдам беради.

Тиббий хатлов ва антропометрик текширувлар билан бир қаторда декабрь ойида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жисмоний фаолликни ошириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган пиёда юриш марафони ва веломарафон тадбирларига тиббиёт ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Аҳоли хатлови ва антропомет-

риядан ўтказиш билан биргаликда соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик тўғрисида аҳолига маслаҳат берилиши, тадбирни бугунги кунда ташкил этилганлигини айтиш вақтида ташкил этилганлигидан далолат беради.



## Нишон тумани

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг Нишон туман бўлими бошлиғи Раёно ШОДМОНОВА тумандаги жараёнларга қисқача ахборот бериб ўтди.

Нишон туманида ҳам хатлов ва антропометрия тадбирлари қизғинлик билан олиб борилмоқда. Айтиш пайтда туман аҳолиси – 152266 та, хонадонлар сони – 29577 тани ташкил этади. Жараёнда иштирок этаётган оилавий шифокорлар сони – 30 нафар, ўрта тиббиёт ходимлари – 333 нафар, оилавий бригадалар сони-76 та, худудлар сони-36 та, режага асосан бир кунда –1585 та хонадон хатловдан ўтказилмоқда. Барча бригадалар 333 та танометр, 330 та растомер (см лента), 80 та пульсоксиметр, 80 та тарози билан таъминланган. Туманда халқ таълимига қарашли 38 та мактаб, 25 та мактабгача таълим муассасалари бор... Хатлов давом этмоқда.

Хатлов ва антропометрия тадбирларига Республика-миз тиббиёт олийгоҳларида тахсил олаётган ординаторлар, магистрлар ва 5-6-курс талабалари фаол иштирок этмоқдалар.

Улар амалий билимларини мазкур жараёнларда синовдан ўтказмоқдалар. Албатта, бу талабалар бирламчи тизим фаолиятини янада чуқур ўрганиб, амалий кўникмаларини оширмоқдалар.



(Давоми. Боши 3-бетда).



(Давоми 5-бетда).

Тиббий хатлов

Китоб тумани

# ТОПШИРИҚ ИЖРОСИ АДОЛАТЛИ, ХОЛИС ВА ҲАҚҚОНИЙ БЎЛИШИ КЕРАК!

Китоб туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Ҳаким САИДОВ ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси координатори Шавкат ГАППАРОВ тумандаги хатлов жараёнлари тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:



**1-8 декабрь кунлари мобайнида Китоб тумани бўйича 19816 (42,2 %) та хонадон, 106886 (40,5 %) аҳоли антропометрик текшируви ва хатловдан ўтказилди.**

Китоб тумани аҳолиси 263800 нафарни, хонадонлар сони 47013 тани ташкил қилади. Бугунги кунда туман аҳолисига 4 та шифохона (марказий касалхона, болалар ва юқумли касалликлар шифохонаси, туғруқ комплекси жами ўринлар сони бугунги кунда 595 тани ташкил этади), бундан ташқари, 2 та амбулатория поликлиникаси (кўп тармоқли марказий

поликлиника ва сил касалликлар диспансери), 7 нафар янги ташкил этилган таркибида кундузги стационар фаолияти йўлга қўйилган оилавий поликлиникалар ва 5 та қишлоқ врачлик пунктлари, 1 та стоматология, 1 та тез тиббий ёрдам бўлими ва 1 та ДСЭНМ аҳолига малакали тиббий хизмат курсатиш мақсадида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирда туманимизда 439 нафар шифокор ҳамда 2384 нафар ўрта тиббиёт ходимлари, шундан 33 нафари ёш шифокор ҳамда 658 та ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритади. Аҳолини антропометрик текширув ва хатловдан ўтказиш учун Китоб ТТБси-

## ФАКТ

**1-8 декабрь кунлари мобайнида Китоб тумани бўйича 19816 (42,2 %) та хонадон, 106886 (40,5 %) аҳоли антропометрик текшируви ва хатловдан ўтказилди.**

да марказий штаб ташкил қилинган. Штаб ўз навбатида 5 та кичик штабларга ажратилган.

Китоб туман тиббиёт бирлашмасида хатлов ўтказиш мақсадида 133 нафар бригада (127 нафар оилавий шифокор ва 563 нафар ўрта тиббиёт ходими) ташкил этилди. Бугунги кунда 260 та тонометр, 260 та сантиметр лента, 233 та тарози ва 203 та

рози, 133 та тонометр ва 133 та пульсоксометр олинди. Ҳар бир бригаданинг йўл харитаси ва иш режаси белгилаб берилди. Бир кунда хонадонларни қамраб олиш режаси 2451 тани, кунлик аҳоли режаси 13190 ни ташкил қилади.

Республика тиббиёт олийгоҳларидан туманга жами 42 нафар бакалавр, магистр ва клиник ор-



пульсоксометр бригадаларга тарқатиб берилган. Туман ҳокимлиги томонидан 111,8 млн қўшимча маблағ ажратилиб, 233 та та-

динаторлар келиб туман марказига олдиндан тайёрланган ётоқ жойларига жойлаштирилди ҳамда бугунги кунда туманда таш-



кил этилган оилавий бригадаларга бириктирилиб, хатлов ишларида қатнашиб келишмоқда.

Шу билан бирга, туман ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган хатлов ишларини сифат ва самардорлигини ошириш мақсадида тумандаги авто уюшма билан шартнома асосида 12 дона автомашина (хатлов кунлари 8.00 дан 20.00 га қадар иш соатида) ажратиб, молиялаштириб берилди.

Ҳар бир ҳудуд учун Китоб туманида фаолият юритаётган клиникалар ходимлари ҳисобида кўшимча 17 (134 нафар ходим) та бригада ташкил қилиниб, ёрдамга юборилди.

## МАЛАКАЛИ ТРАВМАТОЛОГНИНГ «МАҲОРАТ ДАРС»ЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Республика Сogлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан вилоятимиздаги шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига раҳбар сифатида 6 ой муддат давомида бириктирилган, республиканинг нуфузли тиббиёт марказларидан келган, юқори илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларнинг амалий ёрдами ҳудудларда соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Худди шундай мутахассислардан бири, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори Аҳмад Дурсунов вилоятнинг чекка ва тоғли ҳудудларидан бири Китоб тумани тиббиёт бирлашмасига бириктирилган.

Аҳмад Дурсунов малакали мутахассис сифатида ҳудудда травматология соҳасида маҳорат дарслари шаклидаги жарроҳлик амалиётлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтга қадар туман тиббиёт бирлашмасида 2 та БИОС (блокловчи интеромедуляр остеосинтез), битта тосчанок соҳасида, болдирда қайта реконструктив, битта елка-бўғим соҳасида мураккаб синикларда замонавий имплантлар билан остеосинтез жарроҳлик амалиётлари бажа-

рилди.

– Шу билан бирга Шаҳрисабз ва Чироқчи туманлардаги 4 нафар бемор учун онлайн тарзда консултациялар берилди, – дейди тиббиёт фанлари доктори Аҳмад Дурсунов. – Травматология ва шошилич тиббий ёрдам бўлимида ҳар кунлик кўриклар ўтказаяпмиз. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида ҳам болдир соҳасидаги мураккаб синиш БИОС усулида операция қилинди.

Маъмур консултация ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари вилоятдаги беморларнинг узоғи яқин, мушкулони осон қилаётган бўлса, маҳорат дарси сифатида ҳудуддаги травматологлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

Соҳада кечаётган долзарб жараён – тиббий хатлов ва антропометрия борасида ҳам Китоб туманида бир қатор тадбирлар



амалга оширилмоқда. Тоғли ҳудуддаги мураккаб шароитда бу тадбирни сифатли ташкил этиш мутасаддилардан катта масъулият талаб этиши шубҳасиз.

Қайд этилишича, туман аҳолиси 263800 нафарни, хонадонлар сони 47013 тани ташкил қилади. Айни пайтга қадар 19816 хонадондан 106886 нафар аҳоли вакили (40,5 фоиз) хатловдан ўтказилди. Бу борада туман тиббиёт бирлашмасида марказий штаб самарали

фаолият юритмоқда. 133 та тиббий бригада ташкил қилинган. Ҳар бир бригада тиббий хатлов учун зарур бўлган тонометр, тарози, ўлчов тасмаси, пульсоксиметр сингари ускуна ва асбоблар билан тўлиқ таъминланган. Хатловга 129 нафар умумий амалиёт врачлари, 563 нафар ўрта тиббиёт ходими жалб қилинган. Ҳар бир бригаданинг йўл харитаси ва иш режаси белгилаб берилган.

Ҳудуд учун туманда фаолият

юритаётган клиникаларнинг 134 нафар ходимидан кўшимча 17 та тиббий бригада ташкил қилиниб, ёрдамга юборилди. Шунингдек, республика тиббиёт олий таълим муассасаларидан 39 нафар талаба ва 6 нафар педагог ҳам хатловга жалб қилинган. Айни пайтда тиббий хатловни ўз вақтида ва сифатли яқунлаш мақсадида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

(Давоми 6-бетда).

# ТОПШИРИҚ ИЖРОСИ АДОЛАТЛИ, ХОЛИС ВА ҲАҚҚОНИЙ БЎЛИШИ КЕРАК!

Барчамизга маълумки, Давлатимиз раҳбарининг 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган, ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 27 ноябрдаги 309-сонли буйруғи ишлаб чиқилган эди. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу меъёрий ҳужжатлар ижроси тажриба сифатида Қашқадарё вилоятининг ҳудудларида кенг оммавий тарзда олиб борилаётган бўлса, мамлакатимизнинг қолган вилоятларида 2 тадан туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан аҳоли тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказиб келинмоқда.



ҳамда мазкур меъёрий ҳужжатларнинг мазмун моҳияти жойларга қай даражада етиб борди?

Дарҳақиқат, вазирликнинг Марказий штаб аъзолари тадбирлар бошланмасдан олдин Қашқадарё вилоятининг барча туманларида бўлиб, тайёргарлик ҳолатларини кўздан кечирди. Афсуски, айрим ҳудудларда жараён

рида ишлар фаоллик билан олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 9-10 декабрь кунлари Соғлиқни сақлаш вазирлигида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари муовинлари, танлаб олинган туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари, бош ҳамширалар ва масъул шахслар иштирокида юқоридаги мавзуга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситханова кириш сўзи билан очиб, Юртбошимизнинг соҳага оид қабул қилган қарор ва фармонлари ҳамда вазирликнинг тегишли буйруқлари ижросини таъминлаш тизим олдидан турган муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликда иш олиб бориш, зарурлигини таъкидлаб ўтди. Йиғилишда Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно Одилова сўзга чиқиб, хатлов ва антропометрия ўтказиш маълумотларини тўплаш ва умумлаштиришда тиббиёт ходимларининг вазифалари, шунингдек, вазирликнинг 309-сонли буйруғи асосида ишлаб



чиқилган хонадонда антропометрияни ўтказишда амалий кўникмалар бўйича ишлаб чиқилган йўриқнома тўғрисида иштирокчиларга тўлиқ маълумот бериб ўтди. Сўнгра, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармасидан келган масъул шахслар

тахассиси, марказий штаб аъзоси Рихси Салихаджаева сўз олиб, Қашқадарё вилоятида ушбу камчиликларни бартараф этишда қандай ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаб, иштирокчиларга ўзининг муҳим тавсияларини берди. Мулоҳазали тарзда ўтган йиғилишда иштирокчилар ўзларининг



Шу ўринда ҳақли савол туғилади? Хўш, бу жараён қандай олиб борилиши керак? Асосан нималарга эътибор қаратиш зарур? Албатта, бу кетма-кет саволлар бажарилаётган вазифаларнинг сифат ва самарадорлигини белгилайди. Шундай экан, бу борада фаолиятга киришган барча тиббиёт муассасаларининг раҳбар ва масъуллари қолаверса, тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмалари

учун антропометриядан ўтказишга мўлжалланган мавжуд мобил ўлчов воситалари етарли эмаслиги маълум бўлди. Қисқа қилиб айтганда, мазкур масалалар ечимини ҳал этиш учун тадбирга бириктирилган барча масъул шахслар, қолаверса, ҳокимликлар ва ташкилотлар жалб қилинди ва семинарлар ташкил қилинди. Муаммолар ечими жойларда ҳал этилди. Айни кунларда Қашқадарё вилоятининг барча туманла-



ройларда олиб борилаётган тиббий хатловлар тўғрисида ахборот беришди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш керакки, ҳудудларда амалга оширилаётган ушбу жараёнларда муаммо ва камчиликлар борлиги яққол кўзга ташланди. Мавжуд муаммолар ечимини ҳал этиш масаласи бўйича вазирликнинг ҳамширалари иши бўйича бош му-

қизиқтирган саволлари билан мутахассисларга муурожаат қилдилар. Иштирокчилар куннинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳар Олмазор туман кўп тармоқли марказий поликлиникада бўлишиб, мазкур жараёнлар бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

3-6-саҳифалардаги материалларни  
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

## МАҚСАД – СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган, ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини амалга ошириш мақса-

дида Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника ходимлари ҳудуддаги «Файратий» маҳалласидаги хонадонларни хатловдан ўтказишмоқда. Поликлиникада 2 та тиббий бригада тузилиб, ҳар бир бригада 1 нафар врач ва 4 нафар ҳамшира ҳамда 4 нафар талабани ташкил этади.

Тиббиёт ҳамширалари махсус сумка, тарози, бўй ўлчаш учун

сантиметр лентаси, тонометр, пульсоксиметрлар билан таъминланган. Поликлиникада тузилган ишчи гуруҳ бу ишларни тўғри олиб борилишини назорат қилиб бормоқда. Амалга оширилган ишлар юзасидан кунлик маълумотлар туман штабига берилмоқда. Хатлов ўтказиш даврида муаммоли хонадонларга участка нозирлари билан биргалик-

да борилмоқда. Хатлов натижасида кўрилган 46 та хонадонда хавф омилларидан 32 фоиз аҳолида ортиқча вазн, 5 фоиз чекувчилар ва 3 фоиз аҳоли спиртли ичимликлар истеъмол қилиши аниқланди. Мақсадимиз хатлов натижалари бўйича кўча ва маҳалланинг “Саломатлик профили” тузиш ва шу асосида ҳар қайси гуруҳ фуқароларига шифо-

кор томонидан маслаҳатлар бериш ва аҳоли саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Гўзал КОДИРОВА,**  
Тошкент шаҳар  
Юнусобод тумани 51-оилавий поликлиника  
бош шифокори.



## Сфера здравоохранения

## РАСКРЫВАЮЩИЙСЯ ПОТЕНЦИАЛ ЧАСТНОГО СЕКТОРА

**Последовательное внедрение и использование возможностей частной медицины открывает широкие возможности для реализации потенциала наиболее подготовленных специалистов, улучшению качества лечения, созданию атмосферы честной и здоровой конкуренции.**



На основании постановления главы нашего государства от 16 апреля 2019 года «О мерах по развитию государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения» в Ташкентской области осуществляются комплексные меры по созданию необходимых условий для дальнейшего увеличения числа негосударственных медицинских организаций, расширения видов оказываемых ими услуг.

– Эффективно воспользовавшись предоставленными льготами и преференциями, наш коллектив вносит посиль-

ный вклад в охрану здоровья населения, – рассказывает руководитель лечебно-диагностического центра «Dilchehra» города Чирчика Ражаббуви Имомбердиева. – Достойные условия труда, приличная заработная плата дали возможность сформировать настоящую команду профессионалов, обладающих многолетним опытом, способных поставить точный диагноз, излечить недуг в установленные сроки.

Прейскурант цен за прием, консультацию, диагностику и лечение составлен исходя из уровня платежеспособности на-

селения. Этим обусловлен тот неоспоримый факт, что ежедневно в Центр обращаются за помощью более ста пациентов не только из города Чирчика, Бостанлыкского и Кибрайского районов, но и из соседнего Казахстана и Таджикистана. Долго не простаивая в очередях, посетители обследуются у опытного невропатолога, гепатолога, эндокринолога, гастроэнтеролога, кардиолога, терапевта, уролога-андролога, дерматолога, лор-врача, пульмонолога, маммолога, онколога, ревматолога, гинеколога, окулиста, педиатра и детского невропатолога. Все специалисты осуще-



ствляют прием согласно строго установленному графику с учетом пожеланий и временных возможностей больных.

В стенах Центра проводятся лабораторные и биохимические анализы, бактериологические исследования, используются

онкомаркеры, передовые методы в сфере паразитологии. Работают оснащенные передовыми приборами кабинеты физиотерапии, массажа. Организована круглосуточная служба выезда врача на дом, а для тех, кто нуждается в постоянном присмотре, налажена деятельность отделения стационарного лечения, рассчитанного на 30 койко-мест. В ближайшей перспективе этот показатель будет увеличен вдвое.

Остается добавить, что в условиях пандемии коронавируса в Центре внедрена и широко применяется диагностика методом ИФА (IgMG, IgG), проводятся комплексные исследование антител.

**Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Фото автора.

## ОТ СТОПЫ И ВЫШЕ

На VII Международной научно-практической конференции «Современная подиатрия – междисциплинарный подход» обсуждались актуальные вопросы диагностики и лечения заболеваний опорно-двигательного аппарата, связанных с анатомическими особенностями организма.

Как и в предыдущие годы, на конференции, ежегодно организуемой Ассоциацией «Лига подиатрии», выступили международные эксперты, в том числе, смежных направлений: флебологии, сосудистой хирургии, подологии. Объединение этих специалистов и выработка комплексного подхода в диагностике и терапии стала одной из главных задач конференции. Специалисты рассматривали самые разные вопросы. Так, авторскую методику лечения вросшего ногтя, которую могут взять на вооружение российские специалисты, представил эксперт в области подиатрической хирургии Колледжа подиатрической медицины штата Огайо, магистр клинической подиатрии и передовой хирургии Европейского университета БернардиноБасас (Испания).

Второй доклад эксперта был посвящен передовому методу лечения онихомикоза, грибковой инфекции ногтевой пластинки, азотной кислотой. Тема весьма актуальна: докладчик подчеркнул, что по данным эпидемиологических исследований во всем мире заболеваемость онихомикозом высока и составляет в общей популяции населения 13 %, а у людей старше 70 лет распространенность онихомикоза

стоп достигает 50 % и выше. С докладом о торсионных изменениях костей нижних конечностей по мере роста детей выступила доктор наук, член ассоциации подиатров Австралии Анжела Эванс (Австралия). Имеющиеся сегодня методики измерения и методики исследований торсии (поворотного смещения позвонков), существующие нормативные значения получены в различных межгрупповых исследованиях, проведенных, как среди здоровых детей, так и среди детей с ДЦП.

В докладе председателя правления Ассоциации «Лига подиатрии», научного редактора журнала «Подиатрия» Владимира Нечаева рассмотрен актуальный вопрос диагностики разновеликости длины ног в ходе первичного приема пациентов со скелетно-мышечными жалобами.

Он отметил: существует высокая степень взаимосвязи между даже небольшими величинами (5-10 мм) укорочения конечности и различными патологиями опорно-двигательного аппарата. Считается, что у двух из трех пациентов с хронической болью в спине рентгенологически будет иметь место анатомически короткая нога. Около 97% случаев разновеликости длины ног и компенсаторных сколиозов по-



звоночного столба имеют «идиопатическую» природу (то есть – неясного происхождения). На конференции также были озвучены данные исследований, подтверждающие, что даже незначительные асимметричные изменения стоп имеют выраженное восходящее влияние на симметрию тонуса паравerteбральных мышц поясничного отдела позвоночника.

Рассматривались вопросы коррекции подобной асимметрии ортезированием, методом интегративной поверхностной электромиографии.

Доклады других спикеров были посвящены лечению подагры, профилактике синдрома диабетической стопы и заболевания вен; анализировалось влияние сводов стопы на результаты спортивных достижений, рассматривались алгоритмы экспресс-диагностики нейроортопедического подального и постурального дефицита у детей и подростков, перенесших перинатальную гипоксию, и многие другие.

**АЛЁНА ЖУКОВА,**  
«Медицинская газета», № 48, Москва.

НЕ БОЛЕЛ, НО УЗНАЁТ:  
В ЧЁМ СЕКРЕТ?

В научных лабораториях продолжается изучение механизмов приобретённого иммунитета к SARS-CoV-2. Феноменом новой инфекции является то, что большинство переболевших COVID-19 людей имеют антитела к вирусу, однако, у части пациентов эта иммунная реакция полностью отсутствует.

Высказывается предположение, что в данном случае уничтожение вируса в организме человека могло произойти силами другой части иммунной системы – Т-лимфоцитов. Но удивляет другое обстоятельство: оказалось, что у людей, которые не болели COVID-19, тоже обнаруживаются иммунные Т-клетки, которые реагируют на SARS-CoV-2.

Учёные Национального медицинского исследовательского центра гематологии Минздрава России выяснили, какие именно фрагменты вирусного белка Spike SARS-CoV-2, который входит в состав большинства разрабатываемых вакцин, распознаются Т-лимфоцитами и вызывают наиболее сильный иммунный ответ. Причём, авторы работы изучили и описали оба типа иммунной реакции на новый коронавирус – выработка антител и Т-клеточный ответ – в трёх группах образцов крови: от людей, которые переболели COVID-19, которые не болели COVID-19, а также в образцах, взятых до пандемии и хранившихся в банке. Оказалось, что количество Т-лимфоцитов, узнающих вирус, значительно выше у людей, кто не заболел COVID-19, и образцы крови которых были взяты весной 2020 г., по сравнению с теми, чьи образцы были собраны ещё до начала пандемии. По мнению учёных, объяснение данному парадоксу напрашивается такое: некоторые из тех, кто не заболел COVID-19, но показал Т-клеточный ответ иммунитета на вирус, вероятно, так или иначе всё же столкнулся с этим возбудителем. Впрочем, пока это лишь гипотеза.

Таким образом, результаты исследования российских учёных дают мировой науке информацию одновременно о фрагментах белка вируса, вызывающих иммунный ответ организма, и о последовательностях рецепторов иммунных клеток человека, которые связываются именно с этими участками вируса. Эти данные важны не просто для понимания фундаментальных основ взаимодействия иммунной системы и SARS-CoV-2, но и для решения практических задач по созданию максимально эффективных вакцин и диагностикумов.

**Елена БУШ,**  
обозреватель «Медицинской газеты».

## «МЕХР-3» ИНСОНПАРВАРЛИК ОПЕРАЦИЯСИ

8 декабрь куни – мамлакат муҳим байрамни нишонлаётган тонгда Ўзбекистон Президентининг ташаббуси ва назорати остида ўтказилаётган «Мехр» операцияларининг учинчиси доирасидаги самолёт Тошкент аэропортига қўнди.

Шифокорлар, ҳарбийлар, жамоатчилик, турли идоралар вакиллари ва ОАВ иштирокида Суриядан қайтарилган 98 нафар ўзбекистонлик кутиб олинди. Самолёт зинасидан йўлаб тушиб Ўзбекистон тупроғини ўпаётган 25 аёлнинг ёнида 73 нафар болаларнинг борлиги, уларнинг 14 нафари чин етим эканлиги операциянинг инсонпарварлик аҳамиятини тушунтиргандек бўлади.

«Мехр-3» операцияси доирасида қайтарилганлар бугуннинг

ўзида махсус санаторийларга жойлаштирилиб, иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланди. Энди улар билан шифокорлар, руҳшунослар ва устозлар мунтазам иш олиб боради.

Шунингдек, уларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ҳам тегишли ишлар амалга оширилади. Келгусида эса уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга тўлақонли ижтимоий мослашуви учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

2019 йилда «Мехр» операциялари доирасида жами 220 киши Ўзбекистонга қайтарилиши турлича талқин қилинган, уларга бўлган эътибордан ҳайрон бўлингани ҳам ҳақиқат. Аммо ўзи тушунмаган гоғлар ортидан Яқин Шарқ талотўпларида сарсон бўлган ўзбекистонликларнинг болаларида гуноҳ йўқ. Айнан мана шу жиҳат бу масалага давлат даражасида эътибор қаратилишига сабаб бўлди. Яна бир томони, ҳамма давлатлар ҳам ўз фуқароларини қайтаришга ошқомади. Пандемия даври, жанговар ҳаракатлар ҳануз давом этаётганига қарамай бу операция амалга оширилгани узоқ давом этган дипломатик жараёнлар натижасидир.

www.kun.uz



## КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ:

### ЧАҚАЛОҚЛАРДА РАНГЛАРНИ ФАРҚЛАШ ХУСУСИЯТИ ҚАЧОНДАН РИВОЖЛАНА БОШЛАЙДИ?

Офтальмологиянинг замонавий йўналиши ҳисобланган кўз микрохирургияси бўйича саволларга Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Азамат ЮСУПОВ жавоб берди.

– Инсоннинг кўриш тизими ҳақида тушунтириш берсангиз...

– Кўз инсон вужудидаги энг муҳим сезги органларидан биридир. Биз атрофимиздаги олам ҳақидаги ахборотнинг 70 фоизини кўз орқали оламиз. Кўз мугуз пардаси, қорачик, гавҳар, кўз тўр пардаси, кўриш асаб тизими, кўз олмаси ва унинг ёрдамчи тузилмалари бўлган мушаклар, қовоқлар, шиллик парда, кўз ёш аппарати, мия каби муҳим ҳаётий аъзоларимиз бизга оламдан баҳра олиш имконини беради.

– Болаларнинг кўриш қобилияти қандай шаклланади?

– Болаларнинг кўзи ўзига хос фарқли жиҳатларга эга. Мисол учун, янги туғилган чақалоқнинг кўз олмаси катталарникидан фарқли равишда шарсимон кўринишга эга бўлади. Оқсил пардаси юпқа, склерада кўплаб эластик толалар бўлади. Ғудак бир ойлик бўлганда предметни кузатиш, баъзида нигоҳни қадаш рефлекси ривожланади. 2-3 ойликка тўлганда кўз олдида бирон нарсани бирдангина яқинлаштирсангиз, кўзларини юмиб олади. Бу хавфни сезиш рефлекси ҳосил бўлаётгани белгисидир. 6-8 ойлигида эса бола оддий геометрик шакллари фарқлайди.

Рангни фарқлаш қобилияти ҳам 2-3 ойлигида ривожланади. У, энг аввало, қизил рангни ажратади. Рангларни фарқлаш хусусияти 3-4 ёшигача шаклланиши керак. Агар бу жараёнда нуқсонлар бўлса, турли кўз касалликларидан дарак бўлиши мумкин. Шу боис, тиб-

бий кўрик орқали болаларнинг кўриш аъзолари ривожланиш босқичларини мунтазам кузатиб бориш лозим.

– Боланинг кўзи тез-тез ёшланиши бирор касаллик белгисими ёки аста-секин ўтиб кетадиган ҳолатми?

– Кўз худа-бехуда ёшланмай-



ди. Айниқса, болаларда бу муаммо бўлса, туғма кўз ёши каналларининг эпителиши ёки тораийиб қолиши, шамоллаш аломати бўлиши мумкин. Бундай вазиятда вақтни бой бермай, болани окулист-шифокор кўригидан ўтказиш керак.

– Кейинги пайтда болалар ва ўсмирларда кўриш қобилиятининг пасайиши кўп учирамоқда. Бунинг олдини олиш мумкинми?

– Кўз табиатан узоқ-узоқ манзилларни кўришга мослашган. Аммо, XXI асрга келиб юксак технологияларнинг ривожланиши туфайли яқин масофадан иш битиришга одатланмоқдамиз. Яъни,

компьютер, смартфон, мобиль телефон асосий иш қуролимига айланиб бораёпти. Бунинг натижасида кўзларимиз табиий иш режимини ўзгартиришга мажбур бўлмоқда. Албатта, бу муаммо кўзларнинг кўриш қобилиятига ўз таъсирини ўтказмай қўймапти.

Миопия – узоқни яхши кўра олмаслик касаллигининг кўпайиб бораётгани шунинг белгиси. Энг ёмони, кейинги пайтларда бу касаллик ёшариб бораётди. Бунинг олдини олиш учун оилада тарбияга эътиборни кучайтириш,

натижаларга эришасиз.

– Кўз олмаси катта-катта бўлса, «кўзлари чаросдек порлаб турибди», деб гўзалликка йўямиз...

– Кўз олмасининг катта бўлиши глаукома белгиси бўлиши мумкин. Кўз ичи босими баланд бўлиши глаукома ривожланишининг асосий омилдир. Шу боис, касалликни барвақт аниқлаш, шифокор назорати остида бўлиш нерв тизими зарарланишининг олдини олади ва кўриш қобилиятини сақлашга ёрдам беради.

– Кексаларимиз кўзларини кўк чой билан тез-тез юви туришларига кўп гувоҳ бўлганман. Бунинг саломатликка фойдаси борми?

– Маълумки, кўк чой табиий усулда олинган боис, унда табиий, шифобахш моддалар кўп. Шунингдек, бактерияларга қарши курашиш хусусиятига эга. Шу жиҳатлари сабабли конъюнктивит, блефарит ва бошқа шамоллаш туфайли келиб чиқадиган кўз хасталиklarининг олдини олиш ва даволашда ўзига хос таъсир кучига эга.

– Кўзга говмучча чиқиши ниманинг аломати?

– Бу бирор ички касаллик, шамоллаш, қовоқлар яллиғланиши ва гижжа асорати бўлиши мумкин. Бундай вазиятда болани педиатр, юкумли касалликлар шифокори ва окулист кўригидан ўтказиб, мажмуавий муолажа қилиш керак. Шунингдек, боланинг иммунитетини ошириш учун уни рационал овқатлантириш, жисмонан чиниқтириш зарур.

– Қандли диабетнинг кўришга таъсири борми?

– Ушбу касалликка чалинган кўплаб беморлар асосан эндокринолог кўригидан ўтиб, қанд микродорини меъёрида сақлаш билан чекланади. Ҳолбуки, қандли диабет иккиламчи асоратлари билан



ҳам хатарлидир. Жумладан, унинг таъсирида кўз касалликлари келиб чиқиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун беморни йилда икки марта окулист кўригига йўллаш мақсадга мувофиқ.

– Замонавий офтальмология ва кўз микрохирургиясининг энг муҳим ютуқлари нималардан иборат? Улардан амалда фойдаланиш самаралари ва соҳа бўйича янги режалар ҳақида маълумот берсангиз.

– Замонавий офтальмология ва кўз микрохирургияси бугунги кунга келиб шу қадар ривожландики, натижада илгари даволаш мушкул бўлган кўпгина касалликларни бутунлай бартараф этишга эришялмиз. Катаракта хасталигининг турли шакллари чоқсиз фактомулсификация усулида даволаш, кўз шоҳ пардаси хиралашганда кератопластика операцияси, қандли диабет, юрак қонтомир касалликлари туфайли келиб чиққан тўр парда ва шисасимон тананинг хасталиklarини лазер ёрдамида даволаш бўйича ютуқлар бунга мисолдир. Бундай илғор операцияларни бугунги кунда ҳудудларда ҳам жорий этиш мақсадида жойларда амалий ишлар тизими йўлга қўйилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1009 нусха.  
Буюртма Г-1250.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.